

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ НАШРИ

№ 35—36 (2676—2677)
1994 йил, 13 май.

СОТУВДА
БАҲОСИ
200 СЎМ



БУЮК ҒАЛАБА — БУЮК ЖАСОРАТ

9 МАЙ — ҒАЛАБА КУНИ
ЖОЙЛАРДА КЕНГ НИШОНЛАНДИ



ФАХРИЙЛАР ШАРАФЛАНДИ



Шу йилнинг 8 май куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида Ғалаба кунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тантанали йиғилишда урушда иштирок этиб фашистларга қарши жанг қилган, мамлакат ичкарасида ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан мадад берган, ички ишлар идораларида фидойилик кўрсатиб жиноятчиларга қарши курашган, ҳозирда дам олиб нафақа гаштини сураётган фахрийлар билан бирга ички ишлар идораларининг барча тизим ходимлари ҳам иштирок этдилар.

Йиғилишни Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-лейтенанти З. А. Алматов очди ва Ғалаба кунини билан фахрийларни, барча йиғилганларни самимий қутлади.

Шундан сўнг ИИБ Фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари Т. Жалиловга сўз берилди. У йиғилганларни ғалаба байрами билан табриклади.

ИИБ ШТБХ бошлиғи ўринбосари, милиция майори ў. Жўраев Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг уруш ва меҳнат фахрийларига қутловини ҳамда уларни орден ва медаллар билан тақдирлаш тўғрисидаги фармонини ўқиб эшиттирди.

Йиғилишда Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган милиция генерал-майори Гофир Раҳимовнинг қирқ йилдан ортиқ қилган хизмати юксак қадрланиб, истеъфога кузатилди. Уни кўплаб сафдошлари ва шогирдлари идиқ сўзлар билан муборакбод этиб, сиҳат-саломатлик тиладилар. Узоқ йиллик самарали меҳнати ёшлар учун ибрат бўлишини такрорлаб, совға ва гулдасталар тақдим этдилар.

Сўнгра фахрийлар дастурхон атрофида кизгин суҳбат куришди. Йиғилганларни санъаткорлар дилрабо куй ва кўшиқлари билан хушнуд этдилар.

Суратларда: байрам тантаналари.

Ўз мухбиримиз.

Х. ШОДИЕВ олган суратлар.

МАЪНАВИЙ ҚУВВАТ БЎЛДИ

Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессиясида жиноятчиликнинг бугунги ахvoli ва унинг олдини олишда республикамиз маъмурий идораларининг олиб бораётган ишларига берган атрофлича баҳоси Бухоро вилояти ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам кучига-куч қўшиб юборди.

Ҳукуматимиз халқ осойишталигини таъминлаш, пешона тери эвазига топилган мол-мулкларни текинхўрлардан сақлаш, республикамизда яшаётган барча миллат халқларининг бахтли ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб келмоқда. Биз — ҳуқуқ-тартибот ходимлари бу сиёсатни қўллаб-қувватлаган ҳолда халқ осойишталигини таъминлаш йўлида бор имкониятаримизни ишга солмоқдамиз.

Юксак баҳо бизни ўз хизматимизни янада самаралироқ давом эттиришимизга даъват этади.

Исронл ТЎХТАЕВ,
Бухоро вилояти ИИБ бўлими бошлиғи, милиция полковниги.

РЎХЛАНТИРИБ ЮБОРДИ

Республикамизда жиноятчиликка қарши кураш, аҳолининг тинч, осойишталигини таъминлаш ва адолатни қарор топтиришга жиддий эътибор берилмоқда. Ҳуқуқ, тартибот идоралари ходимлари ҳам шунга мувофиқ барча имкониятларини ишга солиб хизмат қилмоқдалар. Жумладан, туманимизда жиноятчилик анча камайди, уларнинг очилиш кўрсаткичи ортди.

Бизни янада мамнун қилган нарсаси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида президентимиз И. Каримовнинг ҳуқуқ, тартибот идоралари шаънига айтган илиқ гапларидир. Демак, ҳар бир вазирлик, идора ва ҳўжалик фаолияти президентимиз ҳамда ҳукуматимиз эътиборида. Бу эса бизни виждонан, ватанпарварона ишлашга янада руҳлантириб юборди.

Жалолиддин ҲАДЯТУЛЛАЕВ,
Ёзевон тумани ИИБ бошлиғи,
милиция подполковниги.

БУГУНГИ СОНДА:

2-БЕТ

“МАРДЛАР
ҚЎРИҚЛАЙДИ
ВАТАНИН”

4-БЕТ

АДОЛАТ
ТАРОЗИБОНИ

6-БЕТ

ДАХШАТЛИ
БАҲТСИЗЛИК

7-БЕТ

ЗАНГОРИ
ЭКРАНДА

Қисқа хабарлар

БОШҚА ЖОЙДА
"ДАВОЛАНАДИ"

Соат эрталабки саккизларда шахримизнинг Тимирязев кўчасида боши ва қорнидан тан жароҳати олган йигитча 17-касалхонага тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун олиб келинди. Касаллик варақасида ўзини Каримов Абдували деб таништирган жабрийданинг ҳақиқий исми-шарифи ва асл башараси милиция ходимлари келганидан сўнг очилди. У кидирувда юрган жиноятчи А.Р.экан. Энди у бошқа жойда "даволанади".

ДУНЁНИ ТАРК
ЭТДИ

Икки ҳамкасб пайвандчилар роса ичкиликка тўйганлари натижасида гаплари бир-бирига тўғри келмай муштлашишга, кейин эса пичоқбозликка ўтишди. Кўкрак қисмига урилган пичоқ зарбидан улардан бири — В.Сорокин бу дунёни тарк этди.

И.РАҲИМОВ,
ИИББ матбуот гуруҳи ходими.

Тошкент шаҳридаги Миробод туман ички ишлар бошқармаси аҳоли осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш каби қатор масъулиятли ишларни амалга ошириш йўлида 1994 йил режасини тузиб, шу режа асосида ҳаракат қилмоқда. Туман ИИБда профилактик ҳисобда турганларнинг кўпчилик қисмини муқаддам судланганлар, оилавий жанжалкашлар, вояга етмаган ҳуқуқбузарлар ташкил этади. Улар билан қатъий иш олиб борилгани сабабли ўтган йилда бу тоифадаги шахслар томонидан жиноят содир этилиши анча камайди. Бундай ижобий натижага эришишда участка вакиллари ва хизматлари каттадир. Улар томонидан тарбиявий-огоҳлантирув ишлари-

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

нинг яхши йўлга қўйилганлиги, қонун-қондаларни бузишдаги жавобгарликларнинг мунтазам тушунтириб борилиши натижасида шундай яхши кўрсаткичларга эришилди.

Тезкор ҳаракат қилувчи, ўз ишига сидқидилдан ёндошаётган бундай участка вакиллари, уларнинг амалга ошираётган ишлари ҳақида қисқа бўлса-да, айтиб ўтиш жуда керак.

Милиция капитанлари Н. Мирзаев ва Н. Ҳасановлар шахсий таркиб, қолаверса, ўзлари хизмат қилаётган ҳудуд аҳолиси орасида катта эътиборга сазовор бўлган участка вакиллари.

Шу йилнинг январь ойи

охирида Н. Мирзаевга Покистон фуқароси Абдул Азиз Мажд мурожаат қилиб, Локомотив кўчасида номаълум кимсалар куч ишлатиб, эғнидаги курткасини ва бир неча АҚШ долларини олиб кетишганини айтди. Н. Мирзаев уч соат ичида жиноятчиларни топди ва қўлга олди. Улар Тошкентда қайдномада бўлмаган, ҳеч қаерда ишламайдиган 17 ва 18 ёшли Ф. Тоғаев билан З. Содиковлар экан.

Февраль ойининг бошларида яна бир ташвишли хабар тушди. Н. Мирзаев ва Н. Ҳасановлар воқеа жойига етиб борганларида босқинчилар Р. Аҳмедовнинг магнитофони, тўртта кассетаси ва

дазмолини олиб, гойиб бўлишган экан. Тезкорлик, касбий тажриба яна қўл келиб, тошкентлик 27 ёшли Ш. Маматқулов, наманганлик 20 ёшли И. Абдуқаҳҳоров, 17 ёшли Ж. Гайбуллаев, самарқандлик И. Рустамовлар участка вакиллари томонидан ушландилар.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, жойларда маҳалла қўмиталари, жамоат ташкилотларининг тарбия масаласида таъсир кучлари деярли сезилмаяпти. Ножўя йўлга қадам қўётган ўсмирлар тарбияси ота-оналар иштирокида муҳокама қилинмаяпти. Ҳаммасини милиция зиммасига юклар эса адолатдан эмас. Зеро, қарс икки қўлдан чиқади, дея бежиз айтилмайди.

Т. РАСУЛОВ,
Миробод тумани
ички ишлар бошқармасининг
булим бошлиғи, милиция майори.

Қўш саҳифа:

ТОШКЕНТ
ШАҲРИ

Участка вакиллари ҳаётидан

"МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ
ВАТАННИ"

СИЗ бу одамларни эрта саҳар соат еттида борсангиз ҳам, кеч соат саккизда борсангиз ҳам иш жойларида учратишингиз аниқ. Шахсан мен бу ҳолга қўниқиб қолганман. "Чорсу" деҳқон бозори ҳудудидаги участка вакиллари вакиллари собиқ раҳбари, истеъфодаги милиция майори Сафар ака Аллаев ва унинг ходимлари билан ҳамкорлик қилган вақтим — 1981-83 йиллар эди чамамда, ИИБ ходимлари ўртасида таржимон эдим. Биз асосан ҳамма дам оладиган якшанба кунлари ишлардик. Ўша вақтда ҳам пойтахт Шайхонтоҳур тумани ИИБ ходимлари бугунгидек, худди шундай фаолият кўрсатишарди.

Мен милиция ходимлари ишини тоғдан тушаётган жўшқин сойга ўхшатаман. Бу сой сувлари тошдан тошга урилиб, минг хил синовдан ўтиб, зилоллашади. Афсуски, айрим одамлар бу зилол сув устидаги кўпикка қараб хулоса чиқаришга шошиладилар. Аммо унинг замиридаги марварид доналари ҳақида гоҳо фикр юритмайдилар...

Ҳозир иш қайнаган пайт. Бозор нафақат олди-сотти маскани, баъзан турли жиноятлар юз бериб туриши ҳам табиий.

— Шундай бўлмаслиги учун, — дейди милиция капитани Ҳикмат ака Тошпўлатов, — биз мунтазам равишда бозорга ташрифчиларни кузатиб борамиз. Хужжат текшириш, гумондор кишилар шахсини аниқлаш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз. Бу борада, айниқса, ходимларимиздан милиция лейтенанти Абдурашид Ҳамроев, старшина Исом Турсунов, катта сержант Рустам Шожалилов ҳеч тиним билмаётдилар.

Ҳа, бунга шубҳа йўқ. Ички ишлар ходимлари на дам олиш кунлари, на байрамларда тиним биладилар. Бу фикримни айтганимда, милиция лейтенанти А. Ҳамроев жилмайиб шундай деди:

— Ахир бундай кунлар бизнинг касбимизда юз фоиз иш куни ҳисобланади. Биз асло ранжимаймиз. Зеро, биз учун энг муҳими — мустақил Ўзбекистонимиз ва меҳнаткаш халқимизнинг осойишталигидир.

Бу гапдан сўнг биров хаёлга чўмаман. "Ҳа, албатта. Кўшиқ бор: "Ватанни мардлар қўриқлайди", деган."

Яқиндагина ёзганим — хизмат вазифасини адо этаётиб мардларча ҳалок бўлган ички ишлар ходимлари хотирасига бағишланган "Ибратнома" шеърӣ ёдномам едимга тушади. Унда битилган куйидаги сатрларни яна бир бор эслайман:

"Бу фаний дунёда бир юк бор. Унинг номи — Фидойилик. Уни ҳар ким ҳам кўтара олмайди. Чунки бу юкни кўтариш учун забардаст елка эмас, балки кенг ва метин кўкрак зарур".

Мен суҳбатдошларим юзига яна бир бор қарайман. Сўнги хулосам шу бўлди: "Ҳа, бу юк ишончли кўкраклар устида".

Собиқ прокурор, қарийб қирқ йиллик муаллима, ҳозирги кунда нафақадор онам Ҳамдинисо Толиб қизининг сўзлари едимга келади:

"Ҳуқуқ-тартибот ишларида, билиб қўй, болам, умрини гаровга қўя оладиган одамгина ишлайди. Бу шундай хизматки, қони савоб, бироқ кўпинча раҳмат ўрнига маломат эшитасан. Аммо чидайсан. Негаки, бу — шарафли иш".

Дилмурод САЙИД.

ХОРАЗМНИНГ
"ЛАЗГИ"СИГА...

Ушбу кулгулик, ҳам куйгулик воқеа Тошкент шаҳрида содир этилди.

Ильмира ва Флюра (нопок йўлга кирган бу "ойимча" қизларнинг исмини яширишдан на ҳолат) то туш-ликкача ёнбошлаб олиб, пул топишининг турли режаларини туздилар. Очиги, уларга завод ёки фабрикада ишлаб, ҳалол меҳнат билан нон топиш ёқмасди, аксинча, қандай қилиб бўлса ҳам ярим-бир соат ичида мўмай пул ишлаш илнжиде эдилар.

"Ҳўш, нима қилсак экан-а?" — чуқур ҳўрсиниқ билан сўради Ильмира.

"Кел, яхшиши, ҳар кунни шу муаммони ўйлавермасдан, кетворган йигитлардан бирини тутамиз-да, ўзимизга доимий "ҳомий" қилиб оламиз", — деди Флюра оламшумул фикр айтгандай хурсанд бўлиб.

"Эй-э, қўйсанг-чи, ҳозир унақа сен айтган жентельменлар анқонинг уруғи, — ҳафсаласи пир бўлиб гапирарди Ильмира, — унинг устига доимо кимнингдир қош-қовоғига қараб яшаш менга тўғри келмайди. Сен билан менинг эҳтиёлларимизни қондирш учун "Инкомбанк" ҳам чидамайди".

Икки дугона мириқиб кулишишди.

Бу вақтда телевизор орқали "Видео-О" кўрсатилаётганди. Экранда беш-ўн чоғли чапдаст йигитларни уриб-суриб, полицияга тутқич бермай, йирик-йирик банкларни ўмариб юрган, оёқ-қўли чаққонгина қиз ҳақида бадийи фильм кетарди.

Шунда бирдан Ильмира ётган ўрнидан сакраб турдида, кўзлари негадир галати жовдираб: "Тур тезроқ, кетдик", деб қолди. Дугонаси эса ҳеч нарсага тушунмай, унга эргашди.

Улар иккиси ҳам бир-бирига маъноли қараб, кунни кеча нотаниш дўстлари қолдирган "Кент" сигаретининг сўнги доналарини чекиб боришарди. Ниҳоят, Яқсарой тумани савдо марказига етиб келганларида Ильмира дугонасига ёрилди:

— Шаҳарда нима кўп, институтлар кўп. Ҳўш, у ерда кимлар ўқийди? Асосан қишлоқдан келганларми?

— Билмадим. Нима эди? — ҳайрон бўлиб сўради Флюра.

— Нимасига тушунмайсан, қишлоқ қизлар кўп. Улар доимо трамвай ё троллейбусда юришади. Энди тушундингми? Фақат ўзининг дадил тут. Муҳими, нимжонгина бўлсак ҳам сир бой бермаслик керак.

Улар бекатга келиб тўхтаган 13-троллейбусга доини кўриб юрган чумчуқлардай эпчилгина "қўнишди". Ильмиранинг кўзлари олазарак: қишлоқ толибани изларди. Флюра эса Ильмиранинг ҳатти-ҳаракатини кўз қири билан кузатарди. Икки-уч бекатдан сўнг, дугоналар бирлашиб, нималариндир пичирлашиб олишди. Сўнгра уч-тўрт ўриндиқ олдинда

туриб хаёл суриб кетаётган, кўринишдан ювошгина бир қизга яқинлашдилар.

Троллейбусда одам тирбанд. Ҳеч кимнинг бир-бири билан иши йўқ. Ильмира "қишлоқ қиз"нинг чап биқинига пичоқ тираб: "Дамингни чиқарма", — дея ишора қилди. Флюра ҳам бўш келмаслик мақсадида: "Мен билан ҳазиллаша кўрма, чувиха. Сенга ўхшаган пандавақиларнинг кўпини кўрганман", — деб қизнинг тилла узук таққан қўлини қайирди.

Троллейбус ҳам чайқала-чайқала навбатдаги бекатга келиб тўхтади. Вақтни бой бермаслик учун Ильмира дўқ-пўбисага ўтди: "Қани, бўйингидеги дурни тезда ечиб бер-чи". "Тезроқ қимирла, нима эшитмаяпсанми?" — деб қўшиб қўйди Флюра ҳам. Аввалига ўзини йўқотиб қўйган "қишлоқ қиз" аста жонлана бошлади. Кейин, "ҳа, натчаксан!" деб бир ўқрайган эди, ён-атрофдаги йўловчилар уларга қараб қўйишди.

Дугоналар кўрдик, аҳвол анча мураккаблашди. Пичоқчани ниқтай-ниқтай бекатда бирга тушишди. Шунда Флюранинг қайрилган қўлдаги бармоқлардан иккита узукни олиб ул-гурганини сезган Ильмира "яхши" ишорасини қилиб, кўз қисдию толибанинг бўйинидаги дурга чанг солди. Марварид доналари ер билан битта бўлиб сочилиб кетди.

— Войдод, ушланглар, ёрдамга! — дея бақириб барбарада қишлоқнинг мусавфо ҳавосини симирган, меҳнатда тобланган, шаҳарлик оймичаларнинг таъбирича — "қишлоқ қиз" икки дугонага бир-бир муштдан едирнишга улгурди. Бири бошини, бири белини ушлаб тум-тарқай қоцаётганда, бекатда турган ва шовқинни кўрган-эшитганлар бир зумда икки дугонани тутиб келишди. Шунда толиба қиз шунақанги уларнинг таъзининг бердикли, асти қўяверасиз. Яқсарой тумани ички ишлар бўлими тезкор вакиллари ҳам шу заҳоти ҳозир бўлдилар. Сурштирув ишларини олиб бориб, гувоҳлардан ва жабрланувчилар воқеа тафсилотини ўргандилар. Қимматбаҳо буюмлар эгасига қайтарилди. Лозим бўлган барча ҳужжатлар вақтда расмийлаштирилди.

Толиба асли Хоразм вилоятидан бўлиб, бугунги кунда Низомий номидаги муаллимлар олийгоҳининг туртинчи курсида тахсил оларкан. У билан суҳбатлашганимизда камтарона бир оҳангда шундай деди:

— Бунақа қизларни биринчи кўришим. Аммо улар мени ҳам "совунимга кир ювишмаган". Агар милиция ходимлари келиб қолнмаганида, мен уларни роса "Лазги"га ўйнатардим...

Мирзаҳуд МАМАЖОНОВ,
ИИББ матбуот гуруҳи ходими.

Итти одам қачон хонакашларининг билмади-му, аммо ҳамма даврда ҳам инсонга вафодорлиги мадҳ қилинган. Маълумки, мусулмонлар ҳар қандай ҳалол ҳисобланган уй ҳайвонига ҳам хонадонга киришга изн беришмаган. Бироқ йиллар ўтганидан сўнг ит хонадон, ўтовларга кириш ҳуқуқини олди. Ўрта Осиёдаги зотдор тозиларнинг ҳам келиб чиқиши Миср итларига бориб тақалади. Немис, инглиз, кавказ зотдор итларининг таърифи дунёга маълум. Итти бекорга вафодор дўст дейишмайди. Инсонлар ҳаёт тажрибасида бу жониворларнинг нималарга қодирлигини синаб

ВАФОДОР ДЎСТ

қўришган. Одамга итдек яқин ҳайвоннинг ўзи йўқ. Хонадонларни бегона кўздан асраш, чорвачилик, овчиликда бу ақлли жонивор тенгсиздир. Кейинги вақтларда итлардан санитария, ҳатто космосга учишда, аниқроғи, уни забт этишда ҳам фойдаланишди. Машҳур "Лайка" лақабли кучукни билмайдиган одам камдан-кам топилса керак.

Чегара чизикларида жосусларни қўлга олиш тадбирларида иштирок этган итлар тўғрисидаги кинофильмларни қайта-қайта

томоша қилганмиз. Ит вафодорлиги, топқирлиги, жасорати билан инсонларни лол қолдириб келган.

Тошкентдаги хизматчи-искович итлар парваришхонасига етиб борганимизда ходимларни қизгин иш устида учратдик. Садоқатли хизматчилар орасида ҳар хил зотдор, республика чемпионатларида голиб чиққанлари бор. Улар ДАН, қўриқлаш хизматида милиция ходимларига жуда катта ёрдам бермоқда. Илгари гиеҳвандлик моддаларини излаб топувчи искабтопарлар собиқ СССРнинг

турли ўлкаларидан олиб келинган. Энди эса ўзимизда тайёрланмоқда. Бу ишда катта нозир, милиция лейтенанти Эркин Тиллаевнинг муносиб хизматлари бор.

— Ешлитимдан итлар билан ишлашга қизиққанман, — дейди у. — Уйимизда бир итимиз бўларди. Жуда ақлли, серҳаракат эди. Юз-кўзингизга қараб нима хаёлда турганингизни, рухий ҳолатингизни англарди. Айнан унинг меҳрибонлиги ва бошқа фазилатлари бизни дўстлаштирганди. Аммо итимиз бир қишда шамолладию, ўзига келмади. Шундан кейин мен инсоннинг яқин дўсти ҳисобланмиш итлар билан

ишлашга аҳд қилдим. Қўриб турибсизки, ҳозир улар билан ишлаяпман. Улар билан ишлаш ҳам осон, ҳам қийин.

Парваришхонада асосан ишига меҳр қўйган, итлар дилини тушунганлар ишлайди. Ҳозир бу ерда ўн бир нафар ходимга 38 та ит бирикитиб қўйилган.

Мана бу "Арслон" лақабли Кавказ зотдор ити қўриқлаш ишлари учун махсус тарбияланмоқда. "Жерри" эса гиеҳвандлик: моддаларини излайди. "Граф" ҳар қандай жиноятчини ҳам искаб тополади.

М.АБДУЛЛАЕВ,
ИИББ матбуот гуруҳи ходими,
милиция катта лейтенанти.

ҚИСҚА САТРЛАР

• Ангренлик С.Дергунов қизи Ирина билан Чотқол тоғига равоч тергани чиққандилар. Улар совуқдан музлаб ҳалок бўлишди. Милиция ходимлари ва қариндош-уруғлари уларнинг мурдаларини топдилар.

• Фарғона вилояти Олтиариқ туманининг Жонибек қишлоғида яшовчи С. Турдиев хонадонидан учта автомат, бешта ўқдон ва битта граната топилди.

• Сурхондарё вилояти, Шеробод туманидаги Қодиров номи жамоа хўжалиги ҳудудидан ўтувчи Занг каналидан қўл ва оёқлари сим билан боғланган эркак киши жасади топилганди. Олиб борилган текширишлар натижасида жасаднинг кимлиги аниқланди. У Термиз тумани, "Намуна" жамоа хўжалигида яшаган С. Бердиев экан. Қотиллар ҳам ушланди.

• Сирдарё тумани, "Шоликор" давлат хўжалигида яшовчи Б. Қодиров билан М. Тиловодиевлар шу ҳудуддаги Шўразак каналида ов қилиб ўтирган икки фуқародан тутган балиқларидан беришни талаб қилишди. Орада жанжал чиқди. Балиқчилардан бири Тиловодиевнинг қўлига, Қодировнинг эса қорнига пичоқ урди. Натижада Қодиров касалхонада ўлди.

О. ФАРМОНОВ.

ДОРИФУРУШЛАР

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтаётган пайтда айрим кишилар ишбилармонликни чайқовчилик ва ўғирликдан иборат деб билмоқдалар. Чунки бирор нарса етиштириш ёки ишлаб чиқариш қўлларидан келмайди-да.

Масалан, бешта нобакор шахс беморлар умрини қисқартириш эвазига ҳамён қаппайтирмоқчи бўлдилар. Улар дорихоналар бошқармасидан давлат нархи 1 миллион 276 минг сўмдан ортиқ турувчи камёб "Кокарбоксилаза" ва "Церебролизин" дориларини ўмардилар. Чунки бозорда бир қўти "Кокарбоксилаза" 15-18, "Церебролизин" 20 минг сўмдан ортиқ туради-да.

Лекин "Отнинг ўлими — итнинг байрами" қабилида иш тутган ўғирлар Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинди. Уларнинг ҳаммаси тиббиёт ходимлари экан.

Ўғирларнинг уйлари тинтув қилинганда 600 комплект кўрпа-ёстиқ жилдлари ҳам топилди.

М. МИРЗАРАҲИМОВ.

ПАЙТАВАГА КУРТ ТУШГАНДА

Одамзотнинг феъли қизиқ. Гоҳида шундай ғалати ишларга қўл урадики, бир нима дейишга ҳайрон қоласан. Қуйидаги хабаримизга бир эътибор беринг.

Бу воқеа ўтган ойда — 19 апрелда бўлган. "Таврия" деб номланувчи тижорат дўкони сотувчисининг автомашинаси ўғирлаб кетилгани ҳақида хабар олинди. Бунгача эса худди шу куни "Буюк ипак йўли" шоққўчасида ўқувчи болани машина уриб кетганлиги, ҳайдовчи эса гойиб бўлганлиги ҳақида ҳам маълумот тушганди. Албатта милиция ходимлари ушбу икки воқеани алоҳида-алоҳида ечишга киришдилар.

Аммо ҳар икки ҳодисанинг ҳам тугуни битта экан. Яъни болани уриб, қочиб қолган ҳайдовчи ўша "Таврия" тижорат дўконининг сотувчиси бўлиб чиқди. Жавобгарликдан қўрққан т сотовчи "машинамни олиб қочишди" дея ўзи милицияга хабар берган экан.

А. МУРОДОВ.

УЧ ЎСМИР

ҲОЗИРГИ иқтисодий қийинчиликлар даврида ҳаммамизга қийин. Лафзи ҳалол, меҳнаткаш кишилар бундай пайтда республикамизнинг тезроқ жаҳондаги ривожланган мамлакатлар қаторига қўшиш учун улкан бунёдкорликлари билан улуш қўшаётган бир даврда кимлардир жамиятимиз ривожига тўсиқ бўлишмоқда. Улар фуқаронинг мулкига кўз олайтириб, текин томоқ йўлга ўтиб олишган. Масалан, мана бу болаларнинг қилмишини қаранг.

Уч ўсмир мўмай пул топиш режасини излай бошлади. Ҳаром луқма ейишга одатланган бу кимсалар ўзларича режа ҳам тузишди. Узоққа бориб нима қилишди. Бу даҳада кўзга кўринган бойваччалар етарли. Шайтон васвасасига учган уч ўсмир шу тарика қингир ишга қўл уришди.

Собир Раҳимов тумани, Тансиқбоев даҳасида яшовчи хонадонлардан бирида еш эмизлик боласи билан қолган аёлниқига бостириб киришди. Хонадон соҳиби сафарга кетаётиб уй эшигини ҳеч кимга очмаслиқни бекага тайинлаб кетганди. Бироқ ўғирлар хўжайиннинг номини айтиб уйга кириб олишди. Уларни ичкарига таклиф қилган она баданига тирайган совуқ қуролдан кўрқиб бақиршини ҳам, бақирмаслигини ҳам билмасдан анқайганча қотди.

Босқинчилар қўлга илинган қимматбаҳо нарсаларни жомадонга жойлайверишди.

— Бунча нарса билан кундузи кўчада юриб бўлмайди. Яхшиси, бозори чаққон, ихчамларини олинглар, — деди уларнинг новчадан келган, қотмаси.

Бу маҳкамада хизмат эрталаб соат 7.30 дан бошланади. Сардорлар шахсий таркибни сафга тизиб, хизматга тайёргарлигини текширадилар. Бўлинма раҳбарияти томонидан ўтказилган қисқа йўриқномадан сўнг, ходимлар махсус хизмат нақлиётларига ўтириб қароргоҳни тарк этадилар. Бу ери... тартиббузарлик ва жиноят содир этган шахслар билан юзма-юз туриш, соқчилик

ШУНДАЙ ХИЗМАТ ТУРИ БОР

қилишдан иборатдир.

Мазкур ишлар милиция майори Н. В. Бойматов сардорлик қилаётган Тошкент

шаҳар ИИББга қарашли Алоҳида милиция соқчилик хизмати бўлинмасига юклатилган. Бўлинма ташкил этилгандан бери кўплаб жиноятларнинг олди олинди.

Соқчилик хизмати ходимлари ўз ишлари самарадорлигини янада оширишга интиломоқдалар.

К. ҚОСИМОВ,
милиция старшинаси.

ДОИМО ХУШЁР

Олмалик шаҳар пост-патруль хизмати ходимлари фуқаролар тинчлигини сақлашга бор имкониятларини ишга солиб, сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Айниқса, бўлинма сардори, милиция сержанти Зокиржон Қўлдошев, бўлинма сардори, милиция кичик сержанти Салоҳиддин Фозилматов, кичик сержантлар Атҳам Холматов, Хидирали Кубашев ва Марат Элбековлар ўрнат қўрсатишяпти.

Жумладан, Китве кўчасидаги 8-уйнинг 4-хонадонидан 2 миллион сўмликка яқин мол-мулк ўғирланганди. Пост-патруль хизмати бўлинмаси ходимларидан сержант Х. Қурбонов ва сержант Раҳмонкуловларнинг тезкорлик билан қилган ҳаракатлари натижасида жиноятчилар қўлга олинди. Янги депо ҳудудида Н. Танциревага тегишли дала ҳовлидан 1 миллион 400 минг сўмлик товуклар ўғирланган эди. Тўнги смена милиционер, милиция сержанти Х. Қурбоновнинг жонбозлик билан қилган ҳаракати натижасида бу айбдорлар ҳам қўлга тушди.

Ш. АБДУРАСУЛОВ,
милиция старшинаси.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ИИБнинг паспорт бўлими одамлар билан доим гавжум. Бу ерда турли юмушлар билан келган фуқароларни қабул қилиш ва уларнинг ҳолатини чиқариш учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Суратда: паспорт бўлими бошлиғи, милиция майори Муяссар Умаралиева катта паспортистка Заҳро Саидахмедова билан навбатдаги режалар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Х. ШОДИЕВ олган сурат.

Қилмиш-қидирмиш

Қочишдан фойда йўқлиги, таслим бўлиш лозимлигини уларга уқдиришди. Аммо бурни қон ҳидини тусаган разил кимсалар милиция ходимларининг огоҳлантиришларини инобатга олмади. Ногоҳон отилган ўқ Зиёдовни ерга қулатди. Жердочкин босқинчиларга қарата ўқ узиб, ўзи ҳам...

Бу воқеа 1971 йили 20 июль куни эрталаб содир бўлганди. Икки мард, кўрқмас милиция ходими ўз вазифасини бажараётиб, қасамедига содиқ қолган ҳолда фожиали равишда ҳалок бўлишди. Ногоҳоний ўлим йигитларни орамиздан олиб кетган. Аммо уларни эл-юрт унутмайди. Қолаверса, бу икки азамат хизмат қилган Миробод тумани ички ишлар бўлими уларни фахрий аъзоликка қабул қилишган. Ҳар йили байрам, тантаналарда хотиралари ёд олинади. Оилаларига моддий ёрдам кўрсатилиб турилади. Ҳукуматимиз ҳам қаҳрамонликларини муносиб тақдирлади. Ўлимидан кейин уларга "Қизил Юлдуз" ордени берилди.

Куни кеча пойтахтимиздаги Фурқат маданият ва истироҳат боғида икки қаҳрамоннинг хотираси ёд олинди, катта тантанали маросим ўтказилди. Келганларга ош тарқатилди. Миробод тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция полковниги И. Григорьев марҳумларнинг оила аъзоларига моддий ёрдам пулини топширди.

Г. ТЕМИРГАЛИН,
Миробод тумани ИИБ бошлиғи
ўринбосари,
милиция полковниги.

Улар видеокамера, учта чарм камзул, учта олтиндан ясалган қимматбаҳо буюмларни олиб жуфтакни ростлашди.

Зўрга ўзига келган уй бекаси қўшниларга, улар эса милицияга хабар беришди. Собир Раҳимов тумани, ички ишлар бошқармаси ходимларининг жадал иш олиб борганлари натижасида ўғирлар узоққа бормасдан қўлга олинди. Улар 1976 йилда туғилган, шу даҳадаги ўсмирлар бўлиб чиқишди. Ўғирланган нарсалар уй эгасига қайтарилиб, жиноятчилар устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

АРОҚХЎР ЎҒРИЛАР

Халқимизда "Текин тешиб чиқади" деган ибора бор. Агар ақл билан иш тутиб, шу мақолга амал қилганида ҳеч ким номақбул ишидан пушаймон бўлиб юрмасди.

Аслида киттак-киттак отишни хуш кўрадиган уч оғайини ҳам хуш хаёллар йўлдан оздирди. Ўғирликни бойлик орттириш манбаи деб тушунган ҳамтовоқлар тун қоронғусида ишга киришди. Хонадон эшигини очган соҳибани газ баллони ёрдамида хушсизлантирдилар.

Улжа чакки, бўлмади. "Паносоник" телефони, иккита тилла узук, тўртта тилла суви юритилган қўл соати ва бошқа нарсалар бир зумда олиб кетишга тахт қилиб қўйилди.

Улар шу билан чекланиб қолишмади.

— Мана буларни қара, — деди улардан бири музхонада терилиб турган чет эл ароқларини кўрсатиб. — Киттак-киттак қилмаймизми?

Унинг бу гапларини шериклари кутиб туришган эканми, ҳамма нарсани йиғиштириб ичишга ўтиришди. Бир-бирларига саломатлик, ишларига муваффақият тиланиб қадаҳлар кўтарилаверди. Ароғи сиққорилган бўш шишалар сони кўпаяверди. Охири, ароқ ароқлигини қалди. Маст бўлган ўғирлар еттиёт бегона жойда тунаб қолишди.

Ҳаётда қутилмаган воқеалар кўп учраб туради. Уй бекасини дугонаси йўқлаб келишини билганларида, балким ичишмаган бўлишармиди? Дугонасининг қўл-оёғи боғлиқлиги, ошхонада аллақандай нотаниш кишилар чўзилиб еганини кўрган дугона тезда бу ҳақда милицияга хабар қилди. Собир Раҳимов тумани ички ишлар бошқармаси ходимлари ароқхўр "меҳмон" ларни хушларига келтириш учун олиб кетишди.

Шаҳар ИИББ матбуот гуруҳи.

НОГОХОНИЙ ЎЛИМ

Одамга умр бир марта берилади. Аммо ҳамма ҳам ўз ажали билан ўлавермайди. Милиция сержантлари Эргаш Зиёдов ва Виктор Жердочкинлар сменани топшириб уйига ошиқаётганди. Қутилмаганда хабар келиб қолди.

Тошкент вокзалида жиноят содир этилгани, жиноятчиларнинг машинага ўтириб қочишга кетаётганлиги барча постларга хабар қилинди. Зиёдов ва Жердочкин ҳам ҳеч ик-киланмасдан жиноятчиларнинг пайига тушишди. Тажрибали ҳуқуқни ҳимоя қилиш ходимлари уларнинг кетидан етиб олишди.

Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси қошидаги жиноятчилик муаммолари ва прокуратура кадрлари малакасини ошириш ўқув даргоҳи дарғаларидан бири Рустам Муҳаммедовни 70 ёшдан ошган дейишса ҳеч ким ишонмайди. Доимо тетик, бардам ва хушбичим, нигоҳи ўткир, қомати тик, қадам босишлари ҳарбийча...

Рустам акани хонасида ўйчан учратдим. Сабабини сўраганимда менга бир varaқ қорозни кўрсатди. У II даражали Кутузов орденли гвардиячи миномёт артиллерия бригадаси фахрийлари кенгаши йўллаган мактуб эди.

“Жуда кам қолаёلمиз, — дейилган эди хатда. — Сўнгги учрашувда жанговар бригадамиз фахрийларидан ўттиз етти киши йиғилгандик. Командиримиз С. И. Запорожчук ва хотини вафот этган. Дивизия командири Батов оғир касал. Яқинда П. Засядко, М. Толстакларни “кузатган” эдик. Уларга А. Бетухов, Б. Грубовларни “қўшдик”... Ҳали тугамаган ишларимиз кўп, шопилмасак бўлмайди. Соғ бўл! Оила аъзоларингга таъзимимизни етказ...”

Қуролдошларинг! Шундан сўнг у киши “ёрилди”лар. Ажинсиз чехрага, тик қомати-ю қатъият билан сўзлашига қараб ҳаётнинг аёвсиз ташвишлари чигиригидан ўтган, доимо нотинч, жанговар ва заҳматкаш қалб эгасини “Рустам дoston” номи билан бежиз аташмаганлари, букилмас иродали одамлар доимо сафда бўлишларини ўйладим.

Фашист газандалари ҳиёнаткорона босқинга тапшланган пайтда у 55-дивизиянинг 228-ўқчи полкида оддий аскар бўлиб хизмат қилаётган эди. Қардош Белоруссиянинг Картус-Березовский, Березина, Пропаёйск

шаҳарлари учун кечган даҳшатли жанглар, чекинишлар ва ҳужумлар Рустамнинг кўплаб сафдошларини бевақт ҳаётдан олиб кетди.

Оддий аскар Рустам Муҳаммедов эса 1942 йил август ойида Челябинск вилояти, Миасс шаҳрига кўчиб

вазифасига ишга йўлланма олди, яна икки йил ўтмасдан Шеробод туманига прокурор этиб тайинланди. Оқни қорадан, ҳалолликни нопокликдан ажратиб, заифларни зўровонлардан, меҳнаткашли текинжўрдан ҳимоя қилиш унинг ҳаёт мақсадига айланди. Бу ишда

“туя” қиладиганларга шафқатсиз эди. Тўрткўл, Кегейли тумани партия қўмиталарининг биринчи котиблари Абзалов ва Давлатмуродовлар, пахта трести бошқарувчиси Харченко, бошқа казо-казолар бошчилигидаги жиноий гуруҳларни аёвсиз фoш қилиб

номукаммалликлар, бўлар-бўлмасга оилалар синаётганлиги оқибатида тўкилаётган кўз ёшлар, мўлтираб турган ғамгин болалар чехралари ўйлантирарди уни. Рустам ака шу муаммоларнинг ҳуқуқий ил-дизларини ахтаришга киришди. Оиланинг тарихидан ҳозирга қадар аҳволга алоқадор ҳужжатларни чигириқдан ўтказди. Юзлаб мақолалар, рисоалар тайёрлади.

Рустам ака ва турмуш ўртоғи Анвархон опанинг еттита фарзандлари бор. Катта ўғил, Азамат ота изидан бориб, юридик маълумот олди. Ҳозир ҳуқуқшунослик фанлари номзоди. Матлуба Тошкент олий даргоҳларидан бирида муаллима, Мавлудакхон ўрта мактабда раҳбар, Ҳилола Ўзбекистон Фанлар академиясида илмий изланишда, Алишер прокуратурада масъул ходим. Байрам кунлари тўпланадиган неваралар Рустам ака билан Анвархон опанинг бағирларини тўлдирарди.

Оддий қишлоқ деҳқонининг ўғли, жангчи-зобит, прокурор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос, прокуратуранинг фахрий ходими, ҳуқуқ тарғиботчиси, генерал, олим, ота ва ниҳоят, ИНСОН ва мураббий Рустам Муҳаммедов ҳозир ҳам сафда. Биз уруш фахрийси Рустам акани 1941 — 1945 йил урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги тантаналари олдидан чин дилдан муборакбод этамиз, 70 еш — ошган довозингиз навқиронликни ҳамроҳ қилсин, дегимиз келади.

Файзулла ҚИЛИЧЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси бўлим бошлиғи,
адлия катта маслаҳатчиси, Ёзув-
чилар уюшмасининг аъзоси.

ўтган I-Москва гвардиячи миномёт-артиллерия билим юртига ўқишга юборилди. 1943 йил декабрида билим юртини муваффақият билан тамомлаган ёш зобит 2-Украина фронтига йўл олди. Бу ерда у олдинги маррада жанг қилаётган 27-миномётчилар бригадасига взвод командири қилиб тайинланди. Иккинчи жаҳон уруши йилномасидан муносиб жой олган операцияларда взвод кўп жасоратлар кўрсатди. У Қизил Юлдуз, 1941 — 1945 йил уруши орденлари ва ўнлаб медаллар билан тақдирланди.

Уруш садолари барҳам топгандан кейин ҳам Муҳаммедов жанговар сафда яна уч йил қолиб кетди. Уйдан чиққанига саккиз йил тўлганда Рустам ака ҳарбий мундирини фуқаролик уст-бошига алмаштирди ва ҳуқуқни ўрганишга қатъий қарор қилди...

1948 йилда Рустам Муҳаммедов Тошкентга қайтди. Ҳуқуқшунослик мактабига ўқишга кирди. Икки йилдан сўнг эса Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳрига прокурор ердамчиси

фақат матонатли, ҳалол ва жонкуяр бўлиш билан бирга чуқур юридик билим зарур эди. Шунинг учун Рустам ака Тошкент дорилфунуни ҳуқуқшунослик факультетининг сиртқи бўлимини тугатди.

Уруш талофатлари чуқур из қолдирган, мамлакат иқтисоди “инграрди”. Гоҳ у, гоҳ бу ерда қонунчилик дарз кетар, адолатли ечим кутарди.

Республика прокуратураси 1955 йилда Қорақалпоғистондаги аҳволни эътиборга олиб, Рустам акани у ерга умумий назорат ишларини бошқариш учун жўнатди. Уч йил ўтмасдан Тўрткўл ва Берунийга туманлараро прокурор этиб тайинланди. Яна сал ўтмай республика прокурори вазифаси ишониб топширилди.

Бу пайтга келиб турли поғоналарда шухратнастлар пайдо бўла бошлаган, кўзбўямачилик, порахўрлик, давлат мулкни, халқ маблағини ўғирлашлар авжига чиқаётганди. “Ўзи хон, кўланкаси майдон”лар бош кўтараётган эди.

Рустам ака халқ мулкни

ташлади. Булар Рустам акага осон кўчган эмас. Чунки уларнинг орқасида...

Бош прокурор 1965 йил 23 апрелда катта адлия маслаҳатчиси Муҳаммедовни Хоразм вилоятига прокурор этиб тайинлаш ҳақидаги буйруққа имзо чекди. Адолат учун кураш давом этарди...

1967 йилда Рустам акага “Шавкатли меҳнати учун” медали, 1968 йил I ноябрида 3 даражали давлат адлия маслаҳатчиси — адлия генерали унвони берилди. Рустам ака роппа-роса ўн йил мазкур вилоят прокуратурасини бошқарди, бир қанча медаль ва ёрлиқлар билан тақдирланди, ноиб сифатида ҳам эл хизматида бўлди. 1975 йилдан то 1993 йилгача Ўзбекистон республикаси прокуратураси аппаратида бўлим бошлиғи бўлиб ишлади.

Рустам акани ўйлантирадиган муаммолар кўп, лекин уларнинг энг оғири, дарди-ташвиши ота-она меҳридан эрта маҳрум бўлганлар ҳамда тирик етимлар муаммоси. Оилавий муносабатлар қонунларидаги

Ботирнинг боши қотди. Нима қилиш керак? Муниса (йигит ва қизнинг исмлари ўзгартириб берилмоқда) шу маҳалда Муборакнинг қиз йигинида ўтирибди. Ҳозироқ қиз билан учрашиб, очикчасига гаплашиши керак. Ё уни десин, ёки бўлмаса...

кечада унинг олдига чиқишга кўрқди. Кутишдан тоқати тоқ бўлган Ботир ичкарига отилди.

— Ташқарига чиқ, сенда зарур гапим бор! — деди у Мунисанинг олдига келиб.

— Йўқ, чиқмайман, — чўрт кесди Муниса ва ёнидаги дугонасига сурилиброқ ўтирди.

Мунисада не айб?

Ботир сакраб ўрнидан турди-да, апил-тапил кийиниб қўшни маҳалладаги тўйхонага келди. Қиз базми қизгин. Хонандалар қўшиқ айтишяпти. Мусиқа сеҳрига маст бўлган қизлар даврандан чиқмай рақсга тушишмоқда. Хуллас, барча хурсанд. Ботир қиз билан елгиз гаплашиб олиш учун тўйхонадаги болалардан бирига Мунисани чақириб келишини буюрди. Қизлар билан мириқиб суҳбатлашиб ўтирган Муниса унинг исмини эшитиши билан бир сесканиб тушди. Қоронғу

— Айтадиган гапингиз бўлса, шу ерда айтаверинг.

— Нега ўзингни доимо мендан четга оласан? Еки мен билан гаплашишга ор қиласанми?!

— Мен ҳали ёшман, — етиги билан тушунтира бошлади Муниса. — Эндигина 16 ёшга тўлдим. Ахир сиз билан нима ҳақида гаплашардим?

— Гапни чўзма! Мен билан юрасан. Агарда рози бўлмасанг...

— Нима қилардингиз? — деди энсаси қотган Муниса.

— Мана бунақа қилардим, — дея Ботир чўнтагидан пичоқ чиқарди ва севган қизи Мунисанинг бир неча жойига санчди. Атрофдагилар ҳай-ҳайлаганича қолаверди. Тўйхонада қий-чув бошланди. Кимдир бу мудҳиш воқеадан Амударё туман ИИБ навбатчисини хабардор қилди. Орадан кўп ўтмай милиция ходимлари етиб келишди ва кўзлари қонга тўлган зўравонни қўлга олишди. Мунисани эса зудлик билан қасалхонага етказишди. Ҳайрият, туман ИИБ тезкор гуруҳининг дадил ҳаракати ҳамда шифокорларнинг катта ёрдами туфайли ҳали вояга етмаган бегуноҳ бир қизнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Энди дурманлик Ботирнинг ботирлигини туман суди баҳолайди.

Худойберди ЖАББОРОВ,
“Постда” мухбири.
Комилжон БОБОЖОНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Амударё туман ИИБ терговчиси,
милиция катта лейтенанти.

Қочиб кетолмади

Риштон тумани ИИБ навбатчилик қисмига Ёкубов Бобожон деган киши ташвишли хабар берди. Унинг енгил машинасини ўғирлаб кетишибди. ИИБ катта навбатчиси фурсатни бой бермай зудлик билан воқеа жойига тезкор гуруҳни юборди. Терговчи, милиция капитани, Аҳмаджон Ҳайдаров, жиноят қидирув гуруҳи тезкор вакили, милиция катта лейтенанти Туробжон Хамролиев, участка вакили, милиция капитани Эминжон Обидов ва бошқалар воқеа жойига бир зумда етиб бордилар ҳамда жабранувчидан воқеа тафсилотларини суриштириб, машина ўгриси узоққа кетмаган бўлиши керак, деган хулосага келдилар. Қидирув ишлари бошланди. Яқин орадаги барча йўл ва кўчалар синчиклаб кўздан кечирилди. Шу вақт бир ҳилват кўчада қандайдир машина кўринди. Бу ўша ўғирлаб кетилган машина эди, лекин ўғри жуфтакни ростлаб қолганди. Қидирув давом этдирилди, терговчи билан участка вакили синчковлик билан зим-зиё кўчаларни кўздан

кечириб кетишаётганида қандайдир шарпа кўчани кесиб ўтганини сезиб қолдилар. Шубҳали шарпа яқинлашгач, участка вакили “Тўхта!” деди баланд овозда. Ўғри тезлик билан ўзини машина юролмайдиган сўқмоқ йўлга урди, милиция ходимлари машинадан тушиб орқасидан кува кетдилар. Жиноятчи тажрибали бўлганидан қўлга тушмаслик учун барча имкониятларидан фойдаланиб кўрди, милиция ходимлари эса бўш келмадилар. Огоҳлантирувчи ўқ узилди. Ўғри бир тўхтади-ю яна қочишни давом эттирди. Шунда милиция терговчисининг чаққонлиги қўл келди. 400 метр чамаси кувиб етиб ушламоқчи бўлди. Ўғри кескин қаршилиқ кўрсата бошлади, лекин милиция ходимларининг метиндай қаттиқ қўллари исканжасидан чиқиб кетолмади.

Жиноятчи Риштон шаҳар, Майкова кўчасида яшовчи Қодир Исоков эди.

Акмал ВОСИТ,
милиция капитани.

Эртасига Наврӯз эди. Бу кунларга етганлар шукр қилишади. Илк бор баҳор чечакларини кўрганларида, уларнинг аввало кўзга суртишади: "омонлик-сомонлик, шу кунларга етдик кўрмай ёмонлик". Лекин кимлардир бу кунларни кўрмади, бу кунларга етмади...

Қоқ тун ярмида, 20 мартдан 21 мартга ўтар кечаси Гулдурама-сойда фожиа юз берди. Кўчки кўчиб, 600 минг кубометр чамаси тупроқ кўз очиб юмгунча учта уйнинг батамом босиб қолди. Яна бир уйнинг томорқа ва молхонасига шикаст етди.

Ҳали изтироблар босилмасданок, 29 март кунини саҳарда яна бир фожиа юз берди. Қорақошқоқ аҳоли пункти рўпарасидаги тепаликда тупроқ кўчди.

Ҳар икки воқеада ҳам ҳодиса юз берган жойга республика ҳукумати раҳбарлари ва бошқа раҳбарлар, ички ишлар бўлиналари хизматчилари зудлик билан етиб келишди. Тезлик билан табиий офат оқибатларини тугатиш чоралари кўрилди. Хавфли зоналардаги барча оилалар бошқа ерга кўчирилиб,

айни пайтда бу оилаларнинг бошқа хавфсиз жойларга уй қуришлари учун ер майдони ажратилди.

Жойларда ташкил этилган фавқулодда вазиятлар бўйича

соҳасида кўп ишлар қилинаётир.

Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Юзага келган вазиятни тўғри баҳолаган, оиласи жонини азиз деб билган инсонлар янги ер участкалари

эхтимолга қарши" деган теран маъноли гап бор. Бу рўй бериши мумкин бўлган ҳар қандай мушкулнинг чорасини кўриб қўй, кейин қийин ахволга тушиб қолма, дегани. Биз учун инсон ҳаёти — энг азиздир. Ҳеч нарса — на демократия, на ислохот битта гўдакнинг бевақт хазон бўлган ҳаётига арзимаёди. Давлат ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз фуқаролари ҳаётини муҳофаза қила олиши, унинг ҳалол меҳнат билан топган бойлиги нобуд бўлишига, уй-жойини сув ёки тупроқ остида қолишига йўл қўймаслиги керак".

Гўшсойдаги фожиалар ҳеч қачон, ҳеч қачонда такрорланмаслиги лозим.

Мақолага нуқта қўйишдан олдин шуни таъкидлаб айтмоқчиманки, Гўшсойда юз берган табиий офат оқибатларини тугатиш, кўчки кўчиши туфайли зарар кўрган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида туман ёрдам жамғармаси ташкил этилди.

Р. АКРАМОВ,

Оҳангарон тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги.

ҚОРДАГИ ДОИРАЛАР

Мирсоат Мирсайтов тайерловчи бўлиб ишлайди. У турли хил маҳсулотлар, жумладан, асал тайерлаш билан кўпроқ шугулланади.

Асални у ўз уйига ёндошган омборда сақлайди. Омборнинг эшиги пишиқ, қулф ўрнатилган. Беҳавотир ухлаш мумкин. Бунинг устига уй қишлоқдан четда жойлашган, бегона киши келса дарҳол кўзга ташланади. Қисқаси, Мирсоатнинг кўнгли тўқ эди. Асал сақладиган омбордан хабар олишга у камдан-кам келарди.

Бир кун омборга кирганида асал солинган флягалар камайиб қолганини кўриб, таажжубланди. Санаса, чиндан ҳам тўқизта фляга кам чикди. Деярли ярим тонна асал йўқ эди. Эшик бус-бутун. Фақат томдаги шифер сурилиб қолган. Мирсоат дарров эшикни ёпди-да, участка вакили Аширбой Сариевнинг олдига югурди. Милиция капитани А.Сариев Жиззах вилоятининг Пахтакор туманидаги "Самарқанд" давлат хўжалигига масъул. Ўғирлик хабаридан у, албатта, хурсанд бўлмади, зеро жиноятни очиш осон кечмаслигига ишончи комил эди. Бунинг устига, Мирсоат ўғирлик содир этилгунга қадар омборда охириги марта қачон бўлганини аниқ эслай олмади. Ниҳоят, унинг тахминан ўн кунча олдин келиб-кетганлигини суриштириб билди.

Сариев тезлик билан етиб келган омборда жиноятчилар ҳеч қандай из қолдирмаган эдилар. Туман ички ишлар бўлимидан наряд келишини кута бошлашди.

Омбор атрофини кўздан кечиришкан, Аширбой қорда доирасимон шакллари учратди. "Асал солинган флягаларнинг изи бўлса керак", — деб ўйлади Сариев. У жамоатчи участка вакиллари, шу ердаги мактаб ўқитувчилари Мустафо Қосимов ва Жумабек Жиянов билан биргаликда қордаги изларга қараб юришди. Излар қуриб битказилмаган уйга бориб тугади, бу ерда қурилиш материалларини қўриқлаб ўтирган биргина ўсмирни учратди.

Қолган иш осонгина ҳал бўлди. Бу ердан топилган фляга ҳамма нарсани жой-жойига қўйди.

Ушбу воқеа бўйича беш киши қўлга олинди. Улардан тўрт киши воёга етмаганлар эди.

Аширбой Сариев ҳақида бир оғиз гапириб ўтас.

У участка вакили бўлиб атиги тўрт йилдан бери ишлаб келмоқда. Бунгача воёга етмаганлар ишлари бўйича нозир бўлган. Шу йилнинг биринчи чорагида у хизмат қиладиган ҳудудда бирорта жиноят содир этилмади. Бунинг боиси унинг ишга ижодий ёндошишида, жиноятлар содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этишга ҳаракат қилишидадир. Ана шу мақсадда аҳоли ўртасида обрўли мактаб ўқитувчиларидан жамоатчи участка вакиллари танлаб олган. Участка вакилининг ҳудудда тегишли жамоат тартибини ўрнатишга доир фаолиятидан "Самарқанд" давлат хўжалигининг маъмурияти ҳам мамнун бўлмоқда. Сариевга бензин билан ёрдам берилмоқда, участка вакилига доимий кўмак берилаётган жамоатчи участка вакиллари эса ҳар ойда хўжалик ишчиси ўртача маошининг 30 фоизи миқдорида ҳақ олмоқдалар.

А.БРАЙЛОВСКИЙ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ катта инспектори, милиция майори.

НОМАРД ҚЎШНИЛАР

Ҳозирги иқтисодий қийинчилик даврида ешларнинг мустақиллигимизга ҳисса қўшиш ўрнига нопок ишлар билан шугулланиши жуда ачинарли ҳолдир. Улар учун текин даромад қилишнинг энг осон йўли бировларнинг молини ўғирлашдир. Масалан, Улугбек номи жамоа хўжалигида яшовчи воёга етмаган Гайрат Жўраев қўшниси Мухаммад Ўлмасовнинг уйи ошхонаси деразасини очиб, ичкарига кирган ва сервант ичида турган 18 минг сўм пулни ўғирлаб кетиб уйига яшириб қўйган. Олиб борилган тергов ва қидирув ишлари жараёнида воёга етмаган Гайрат Жўраев қўлга тушди. Жиноятчи ўз қилмишига яраша жазо олди.

Бундан ташқари, шу жамоа хўжалигининг 5-бўлимида яшовчи Мирзакамол Азимов ҳам бошига келиб қолган фикрнинг қанчалик нотўғрилигидан кейин афсус ва пушаймонлар еди. Лекин энди кеч эди. Жумладан, ўз қўшнисининг молига кўнгли кетди-да, уни пуллаб мўмай даромад қилмоқчи бўлди. Кечаси ён қўшни Абдугани Тошматовнинг молхонасига боғлаб қўйган бир бош соғин сигирини ўғирлаб олиб чиқиб, сигирни Жумабозорга элтиб Сиддигали Бобонтоевга 75 минг сўмга сотиб юборди. Лекин текин даромад тешиб чиқди, у шу кун кечасиёқ қўлга олинди. Мол ҳам, пул ҳам эгаларига қайтарилди. Мирзакамол Азимов эса 2 йилга

озодликдан маҳрум қилинди.

Бекободлик Бахтиёр Усмонов ҳам ўз қўшнисининг молига кўз олайтирди. Бу операцияни бажаришга ботир бўлиб бориш учун ҳамкасби Неъматулла Қўчқоров билан бирга спиртли ичимлик ичиб, "Авангард" жамоа хўжалигининг Бог маҳалласига келишади. Бахтиёр шеригига қўшниси Исоқ Элчиевнинг молхонасидан новвосини олиб чиқишни тайинлаб, ўзи кўчада кутиб туради. Улар новвосни қишлоқ ичидан етаклаб кетишаётган вақтда шу маҳаллада яшовчи Маҳмудали Маҳмадалиев ишнинг белига тепади. Ўғрилар новвосни қолдириб қочиб кетишади.

Лекин ўғриларга ишларининг ўнгидан кемагани алам қилган шекилли, "Далварзин" жамоа хўжалиги томон пахта далалари бўйлаб кетатуриб 1-бўлимда яшовчи Икром Аҳмедовнинг тўрт бош молини кўриб қолишади. Шериклар молларни олдиларига солиб ҳайдаб кетишади. Кечаси молларни ўзлари сотиб олган кишилардек, Бахтиёр Усмоновнинг "Далварзин" жамоа хўжалигида яшовчи почаси Холмат Соқиевнига боғлаб қўйишади. Сўнгра харидор излашга тушишади. Бироқ улар топган харидор милиция ходими бўлиб чиқади.

Р. АБДУРАҲМОНОВ,
Бекобод тумани ИИБ
терговчиси, милиция капитани.



ҲОЗИРГИ кунда йирик аҳоли манзилгоҳларини бир-бирига боғловчи шох кўчаларда транспорт ҳаракати ниҳоятда тигизлашиб кетган. Бу эса, давлат автомобиль назорати ходимларидан ишни янада хушёрлик билан олиб боришни тақозо этмоқда.

Жиззах вилояти Зарбдор тумани ИИБ бўлими ходимлари ҳам бугун ана шу талаб даражасида ишлашга ҳаракат қилмоқдалар. Суратларда: (юқорида) туман ДАН бўлими бошлиғи, милиция катта лейтенанти Фарход Туркбоев йўл назорати пайтида, (пастда) туман ИИБ участка катта инспектори, милиция майори Собир Эргашев ешлар билан йўл хавфсизлиги ҳақида суҳбатлашмоқда.

Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.

Ёшликнинг қадрига етмадилар

Сир эмаски, ҳозирги кунда турли шахслар томонидан ўғирлик, ташмачилик каби жиноятлар содир этилмоқда. Бу ички ишлар бўлиmlарига фуқаролардан тушаётган аризалардан маълум бўлиб турибди.

Бўстонлик тумани ички ишлар бўлими ходимлари содир этилган жиноятларни иссиғида очиш ҳамда фуқароларнинг осойишталигини сақлашга катта эътибор бериб, барча имкониятларини сафарбар этмоқдалар.

Охириги пайтларда давлат мулкига тажовуз қилиш ҳоллари ҳам қайд этилмоқда. Таажжубга

солаётган нарса шуки, бу каби ўғирликларни содир этаётганлар асосан балогат ешига етмаган ешлардир. Жумладан, бундай ҳодиса Товоқсой кўргонида содир бўлди.

Туман ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими милиционерлари Шодмон Нуртоев ва Жумабой Маннопов ўз хизмат бурчини ўташ ҳамда объектларни қўриқлаш учун Товоқсой кўргонига йўл олдилар. Улар Товоқсой кўргонига етиб келиб, шартнома асосида қўриқланадиган объектларнинг техник ҳолатини кўздан кечириб, хизматни давом эттирдилар. Тунги соат 23.00 дан ошганд

Искандар матлубот жамиятига қарашли бўлган дўкон томида кимдир эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилар, "ўлжа"ни қўлга киритиш учун шарпасиз уринарди. У қанча эҳтиёткорлик қилмасин, барибир қўриқчилар назаридан ўзини четга ололмади.

Милиционерлар бу ҳақда қўриқлаш бўлими наватчилар қисмига маълум қилиб, объектдан жиноятчининг қочиб кетмаслиқ чораларини кўрдилар. Қўриқлаш бўлимидан тезда взвод командири, милиция катта лейтенанти Маҳмуд Мамиркулов ва взвод командирининг ёрдамчиси, милиция катта сержанти Фахриддин

Жалоловлар ҳодиса юз бераётган жойга етиб бордилар.

Милиционерларни тезкор қўллаган чоралари натижасида дўкон томини тешиб тушиб, қарийб 1,5 миллион сўмлик молларни ўғирлаб кетмоқчи бўлган икки шахс П. ва К. лар қўлга олинди. Бу икки жиноятчи 16 баҳорни қаршилаган, ҳаёт нималигини ҳали тушуниб етмаган, балогат бўсағасида турган ешлардир. Энди улар ешликнинг энг гуллаган даврини темир панжара орқасида — қамоқхонада ўтказадиган бўлдилар.

Туроббой ИМОМАЛИЕВ,
Бўстонлик туман ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими
марказлаштирилган қўриқлаш
пулти бошлиғи, милиция капитани.

— Мен сенга айтман; бу ўша аёл. Ҳеч қандай шубҳа йўқ. Капитан Хейдок оғайнисининг ҳаяжонланган юзига қараб уф тортди. У денгиз кемаси капитани бўлиб ишлаган узоқ хизмати даврида воқеаларга осойишта ва моҳияти бўйича қарашга кўникканди. Шунингдек, бевосита ўзига алоқасиз муаммолар ечилишига аралашмасликка ҳаракат қиларди.

Дўсти жиноят полициясининг собиқ инспектори Эванс бунақа эмасди. У аллақачон нафақада бўлишига қарамай, ҳануз профессионал жасурлиги сақланган эди.

— Мен бир марта кўрган башарамни сира унутмаганман, — деди у гурурланиб. — Миссис Мерроуден — миссис Энтонининг ўзгинаси. Уни дарров танидим.

Капитан Хейдок оғайнисига маъқулламай боқди. Мерроуден оиласи Эванс оиласи қаби яқин кўшниси эди ва илгари содир бўлган шов-шувли жараён гуноҳқори сифатида миссисни айблаши унга ёқмаганди.

— Аммо бунга жуда кўп бўлди-ку, — унча ишонқирамай эътироз билдирди капитан.

— Тўққиз йилу уч ой, — аниқ маълумот берди Эванс.

— Сен ҳалигача эслайсанми?

— Эслайман. Мистер Энтони одатда мишьякни дори тариқасида қабул қилгани аниқланган, шунинг учун аёлни оқлаган...

— Хўш, нима учун уни оқламаслик керак эди?

— Ноқонуний оқлашди. Чунки айбини бўйнига қўйишолмади.

— Унда ҳаммаси жойида, — енгил нафас олди Хейдок. — Кейин, мен тушунмайдиман, нимага бизни безовта қилиши керак. Шўрлик аёл шундоқ ҳам қотилликда айбловдан қутилгунча бўларича бўлган...

— Оқланиш кўнгилсиз эмас, — гапни кесди инспектор сирли кулимсираб.

— Мен нимани назарда тутаяётганимни тушуниб турибсан, — эътироз билдирди капитан. — Ўзинг айтдингку, бу аёл гуноҳсиз деб.

— Мен гуноҳсиз деганим йўқ. Айбини исбот қилишолмади ва шунинг учун оқлашди дедим.

— Аммо ҳаммаси бир эмасми!

— Ҳар доим ҳам эмас.

Капитан Хейдок трубка чекмоқчи бўлиб креслода қаддини рослади.

— Ҳа-ҳа! Мана, шамол қаёқдан эсяпти! Сен у барибир айбдор деб ҳисоблайсанми?

— Мен бундай деганим йўқ. Тушунасанми, бунга узил-кесил билмайман. Тўғри, мистер Энтони мунтазам мишьяк қабул қилган. Дорини унга доим хотини берган. Кунлардан бирида эса жуда кўп миқдорда ичган. Бу ўз хатосими ёки хотини янглишганми? Суд айбини исбот қилолмагани учун оқлаш ҳукмини чиқарди. Ҳукм адолатли эди, мен уни хато ҳисобламайман. Бироқ уни текшириб кўрмоқчиман.

Капитан Хейдок тагин трубкаси билан овора бўлди.

— У ҳолда бу бизнинг ишимиз эмас, — деди капитан осойишта.

— Мутлақо ишонмайман, — эътироз билдирди инспектор. —

Яна бир дақиқа кулоқ сол. Бу киши, яъни профессор Мерроуден ўз лабораториясида мишьяк устида тажриба ўтказди...

— Ҳа, у жиноятни текшириш учун Марч-хамир дейилувчи нарса билан шугулланишини эслатганди. Лекин у бирордақиқа иккиланганда, албатта, бу ҳақда гапирмас эди...

— Ўйлайсанки, агар ўз хотини тарихини билганда, — гапни бўлди Эванс, — айтмаган бўлармиди? Улар олти йилдан бери эр-хотин деясан, мен эса хотинининг исми илгари миссис Энтони бўлганини ҳаёлига ҳам келтирмайди, деб ўйлайман...

— Ҳар ҳолда бунга мендан эшитмайди, — деди капитан қатъий.

— Гапимни бўлдинг, — мавзудан чиқмади Эванс. —

— Билмадим, — капитан елка қисди, — фақат сен бу бахтсиз ҳодисанинг қандай олдини оласан.

— Ҳеч ким билмайди, — деди Эванс аламли.

— Эҳтимол, бировнинг ишига аралашмаслик керакдир, — фикрини тагин қайтарди капитан ва хайрлаша бошлади.

Аммо Эванс бардошли ва қатъиятли эди. Кейинроқ почтага марка олиш учун кетаркан, қандай йўл тутиш кераклигини ўйларди. Шундоқгина почта ёнида нақ ҳаяжони объекти — профессор Жорж Мерроуденга тўқнашиб кетаёзди.

Кимёгар пақанароқ, осойишта ва очик юз одам эди. Аниқроғи, ўз фикрлари билан банд эди. Улар саломлашиб, у ёқ, бу ёқдан гаплашдилар. Профессорнинг

инспектор билан бемалол суҳбатлашди. Инспекторнинг ҳаяжони ортиб борарди. Қанақанги аёл-а! Қанақанги қад-қомат! Ўзини тутиши-чи! Шу билан бирга, жуда хавфли хотин, ўйлади инспектор.

У ўздан мамнун эди: аёлга таниганини аниқлади. Аммо энди нима қилиш керак? Профессорни қандай асраш мумкин?

Тезда кимёгарни кўришди ва у Эванс билан дўстона саломлашди. Мерроуден хоним дарҳол ташаббусни қўлга олди:

— Сизни чойга таклиф этишимиз мумкинми?

Инспектор таклиф тагида қандайдир шаъма борлигини пайқайди.

— Ташаккур, миссис Мерроуден, — жавоб берди у. — Жоним билан! — Уччовлари

айбсизлигини тасдиқлашини истаганми? Лекин бу ўта гўллик бўлади, ўйлади у.

Хоним учта пиёлага чой қуйди. Улардан бирини инспектор олдига, иккинчисини ўзининг қаршисига, учинчисини — одатда профессор ўтирадиган кресло тўғрисида қуйди. Охириги пиёлани қўяркан Эвансга унинг оғзи масҳараомуз қийшайгандай туюлди.

Ҳа, у чиндан ажойиб ва жуда хавфли хотин? Дарҳол ва тайёрганиб ҳам ўтирмай ишга киришади. Заҳарлаш унинг олдида, бенуқсон гувоҳ кўз ўнгида кечарди. Бундай тўхтатиб бўлмас жасоратдан Эванснинг дами ичига тушди.

У айёрона ўйлаганди, ажабтовур айёрлик. Инспектор ҳеч нарсани исботлолмади. Аёл у бирор нарсдан шубҳаланишга улгуролмаслигини ҳисоб-китоб қилганди. Айёр хотин режасини кимдадир гумон пайдо бўлмай амалга оширади!

Инспектор чуқур хўрсиниб, аёл томон энгашди:

— Миссис Мерроуден, баъзан менда инжиқлик пайдо бўлади. Кичкина инжиқлигимни кўтаролмайсизми?

Аёл меҳмоннинг ҳар қандай истагини бажаришга тайёрдай боқди. Эванс туриб, профессор креслоси қаршисига пиёлани олди-да, аёлниқига алмаштирди.

— Мен мана бу чойни ичингизни хоҳлайман.

Уларнинг нигоҳлари тўқнашди. Аёл қўлини чўзиб пиёлани кўтарди. Эванс нафасини ютди. Хоним пиёлани оғзига олиб борди. Аммо сўнгги лаҳзада титраб, чойни катта гултувакка тўкиб юборди. Кейин стул суянчигига таяниб, ҳужумқорона боқди:

— Энди-чи? — унинг товуши кескин ўзгарганди.

Инспектор енгил нафас олди.

— Сиз жуда ақлли аёлсиз, миссис Мерроуден, — деди у. — Ўйлайманки, мени тушунасиз. Такрор бўлиши мумкин эмас! Сиз, албатта, нимани назарда тутаяётганимни биласиз?

Ўздан мамнун инспектор бошини сал энгаштирди. Ҳа, бу хотин ҳаётини асло дорда тугаллашни истамайди.

— Сизнинг узоқ умрингиз ва эрингизнинг узоқ умри учун, — деди маъноли қилиб у, пиёлани лабига олиб борди-да, чойдан хўплади.

Ўша заҳоти ўрнидан туриб кичирмоқчи бўлди — аммо кеч эди. Унинг ранги оқарди, бармоқлари қисилди, пиёла паста тушди ва жонсиз танаси креслодан думалади.

Миссис Мерроуден танаси устига энгашди. Лабларида енгил тиржайиш пайдо бўлди. У секин, бироқ ўта ишонч билан деди:

— Сиз хатога йўл қўйдингиз, инспектор. Сиз эрини ўлдирмоқчи деб ўйладингиз. Бу сизнинг нақадар аҳмоқлигингиз. Ниҳоятда аҳмоқлик.

Кейин у ўзининг учинчи қурбонига бирмунча қараб турди. Унинг тиржайиши тобора очик тус олди. Энди у ташқаридан кам деганда руҳонийга ўхшарди. Сўнг эрини чақирди:

— Жорж, Жорж, тезроқ кел! Дахшатли бахтсизлик юз берди! Шўрлик мистер Эванс...

Ориф ФАРМОНОВ таржимаси.

ДАХШАТЛИ БАХТСИЗЛИК

ДЕТЕКТИВ
Анна Кристи
(ХИКОЯ)

Демак, Мерроуден ўз лабораториясида мишьяк ва бошқа заҳарлар устида тадқиқот олиб боради. Биз, криминалистлар ҳам қотиллар билан тадқиқот ўтказганмиз. Қотил камдан-кам битта жиноятдан қониқади. Агар у шошмас ва ўзини беҳоватир сезса, янги жиноятга қўл уради. Айттайлик, кишини ўз хотинини ўлдиришда шубҳаланиб ҳибсга олишди. Фараз қилайлик, аниқ исбот йўқ. Аммо ногоҳон унинг бир нечта хотини бўлиб, ҳаммаси нотабиий ҳолатда ҳаётдан кетган бўлса, аниқ жиноий исботи топилмаса ҳам шубҳани кучайтиради. Ана унда аниқ исбот қидиришга қизгин киришадилар ва кўпинча топадилар ҳам. Демак, гап биринчи жиноят бўйича шубҳа қилинаётган одам устида бораркан, бу фикр тўғри келмайди. У одам одатда оқланади, кейин эса бошқа ном билан яшай бошлайди. Нима деб ўйлайсан, у жиноятни такрорлайдими, йўқми?

— Галати фикр! — Капитаннинг инспектор фикрига қўшилмагани равшан эди. — Барибир бу миссис Мерроуденни жиноятчи деб ҳисоблашга асос эмас.

— Айтяпман-ку, ўшанда хонимнинг ўтмишини ўрганиб, ҳеч қанақанги шубҳали нарса тополмадик, — кулди экс-инспектор. — Бироқ ҳамма муаммо шу ерда. Отаси билан юз берган галати воқеа аниқланди. Миссис энди ўн саккизга кирганда биттасини севиб қолади. Отаси никоҳга қарши эди. Аммо кунларнинг бирида отаси билан тоғда сайр қилиб юришганда бахтсиз ҳодиса юз беради: ота жарликка жуда яқин келиб, кулаб тушади ва ўлади...

— Сен ўйлайсанки...

— Бу бахтсиз ҳодиса. Ҳодиса! Мистер Энтони кўп миқдорда мишьяк ичган — бу ҳам бахтсиз ҳодиса эди. Ҳатто суд ҳам шундай ҳисоблади. Лекин сенга айтаманки, Хейдок, бу хотин ҳақида ўйлаб туриб, янги бахтсизликдан кўрқяпман!

ҳаётини сугурта қилдириш тўғрисида суҳбат бошлаш экс-инспектор учун қийин бўлмади. Мерроуден деярли ўз ташаббуси билан айтиб беришча, ҳаётини хотини фойдасига сугурта қилдираётган экан:

— Кейинги пайтда бир неча бор капиталимни унча муваффақиятли бўлмаган ҳолда жойлаштирдим, — тушунтирди у. — Агар бирор балога учрасам, хотиним маблағсиз қолиши мумкин. Шунда сугурта кўмак беради.

— Хотинингиз қарши эмасми? — шунчаки гапдай сўради Эванс. — Айрим аёллар сугурта бахтсизлик келтириши мумкин деб ишонадилар.

— Э, йўқ, Маргарет анча тадбиркор, — кулди Мерроуден. — Менга ҳатто бу унинг гоёсидай туюлди.

Шундай қилиб, Эванс зарур информацияни олди. У масҳараомуз кулгисини босиб, профессор билан тез хайрлашди. Марҳум мистер Энтони ҳам ўлишидан бир неча hafta бурун ҳаётини сугурта қилдирганди!

Экс-инспектор ўз туйғусига ишонар, шубҳасини асосли деб биларди. Аммо жиноятга қандай тўсқинлик қилиши мумкин? Бунда ким ердан беради?

Орадан бир неча кун ўтиб, айланиб юраркан, қандайдир аёл билан гаплашаётган оғайниси Хейдокни кўрди. Яқинлашгач, миссис Мерроуденни таниди.

Миссис Мерроуден қора қош, бўлиқ жингалак соч ва қувноқ юзли кўримли аёл эди. У Эвансга қараб кулди. Бу мамнун, дўстона кулги эди.

— Хайрли кун, миссис Энтони... э, миссис Мерроуден демоқчидим, — деди Эванс ва гапи қандай таъсир этишини кузатди. Аёлнинг кўзлари сал катталашди, бир лаҳза нафасини ютди. Бироқ дарҳол ўзини қўлга олди ва хотиржам овозда сўради:

— Эримни қидирыпман. Мабодо кўрмадингизми?

— Ҳа, яқиндагина кўрувдим, — жавоб берди Эванс ҳамда улар зарур томонга қараб кетдилар. Мерроуден хоним

арзимаган нарсалар ҳақида гаплашганча Мерроуденлар уйи томон юришди. Қуёш чарақлаган, енгил шамол эсар, табиат тинч ва осойишта нафас оларди.

— Бугун хизматчимизнинг хордик куни, — деди Мерроуден хоним чоғроқ, яхши жиҳозланган уйга кирганларида. У чой қуйди, тоқчадан учта пиёла, лаган ва қутича олди.

— Жуда яхши хитой чойи бор, — деди у. — Шунинг учун хитойчасига — чашкада эмас, пиёлада ичамиз.

Аёл пиёлаларни столга қўйди, уларни синчиклаб текширди, улардан биттасини алмаштирди ва хафа бўлиб эрига деди:

— Бунақа қилма, Жорж! Яна пиёлани олибсан!

— Кечир, — ўзини оқлашга ҳаракат қилди профессор. — Пиёлалар ҳажми тажрибаларимга жуда мос. Лабораториям учун буюрилган идишларни ҳали олмадим.

— Қачон бўлмасин ҳаммамизни заҳарлайсан, — кулимсиради аёл. — Мери пиёлаларни лабораториянга кўриб бу ёққа келтиради, сен эса тажриба учун цианистий калийдан фойдаланасан-ку ахир... — Кейин у юзидаги табассумни ўчирди: — Йўқ, Жорж, бу дахшатли даражада хавфли!

— Аммо Мери лабораторияга бурнини тикмаслиги керак-ку! — ажабланди профессор. — Унга лабораторияда нима керак?

— Ўзинг неча марта ўша ерда пиёлани чой билан қолдирдинг! — тушунтирди хотин. — Қандай қайтариб олиш мумкин? Эҳтиёт бўлгин, азизим.

Профессор алланарсаларни гўлдираганча лабораториясига кетди. Мерроуден хоним жозибали жилмайганча чой дамлай бошлади.

Инспектор гангиди. Нима учун Мерроуден хоним барча картасини очиб ташлайдигини? Балки бу билан "Бахтсиз ҳодисага" замин тайёрлагандир? Олдиндан ўзини оқлашнинг гамини едими? Ёки инспекторнинг ўзи кейин

ЗАШТОРИ ЭКРАНДА

ДУШАНБА

16 МАЙ

Ўз ТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Ўсмирлар учун. "Ўзгаллик гулшани".
18.40 "Бахтли онлар". Телефильм.
18.55 "Ислохот ва масъулият".
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.50 Ўзлонлар.
19.55 Шерий дақиқалар.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Огаҳий номидаги Хоразм вилояти театри артистлари ака-ука Эшжоновлар куйлайди.

20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 "Аёл борки, олам мунаввар". Матрифей кўрсатуви.

22.30 "Сирли соз соҳиби". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Улмас Расулов.
23.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.50 "Билиб қўйган яхши".
20.10 "Йўлингиз бехатар бўлсин".
21.10 "Оддий муъжизалар". Фильм-концерт.
21.55 "Юзма-юз". Бадий фильм.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.00 — 18.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
18.30 Душанба кунини "Спрут-5". Бадий фильм (Италия). 1-серия.
19.25 Телефильм.
19.50 "Спрут-5". Бадий фильмининг давоми.

20.55 "Ҳақиқат онлари".
21.50 "Сиз яратган боғ".
22.20 Спорт кўрсатуви.
22.30 "Сехрли ўзгаллик сирлари". Телефильм.

22.55 "Тафсилотлар".
23.05 "Юлдузлар билан суҳбатда".
23.10 — 23.40 "Джаз-клуб".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
18.10 "Горачев ва бошқалар". Бадий телесериал премьераси. 26-серия.
18.40 "Миниатюра".

18.55 "Биз". В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.30 "Монолог".

20.40 "Сизга таъзим, оstonалар". А. Петренко ва В. Жданкин.
21.25 "Спорт уик-энди".
21.40 "Матбуот-клуб".
23.00 — 23.35 Янгилар.

СЕШАНБА

17 МАЙ

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 "Пилигрим" капитани". Бадий фильм.
10.00 "Ешлик" студияси. "Еш тадбиркорлар".

10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
11.00 "Фермер хўжаликлари истикболи".
11.30 Теннис бўйича "Буюк Ипак йўли" халқаро турнири.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ешлик" студияси. "Шижоат".
18.40 Мусиқий дақиқалар.
18.55 "Таълим ва ислохот".
19.25 Ўзлонлар.

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 "Мусаввир". Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 "Қўшиқларда севги васфи". Лирик концерт.

20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 "Илҳом" телевизион клуби.
22.20 "Марду майдон". Андижон вилоятидан кўрсатув.

23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Улоқ". Телефильм.
20.00 "Имтиҳон арафасида". Бевосита мулоқот.

21.00 "Гул ва олқишлар".
"ОМАД" таништилади:
22.10 Ўзлонлар. "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

"ОМАД" таништилади:
9.00 "Совга".

9.30 "Ҳар соҳадан бир шингил".

9.35 Ўзлонлар.

9.40 Видео-"О".

11.20 Ўзлонлар.

11.25 "Курьер".

11.40 "Эм-Ти-Ви" дан мусиқалар.

12.00 "Ҳар соҳадан бир шингил".

12.15 Ўзлонлар.

12.20 "Даракчи".

12.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.

12.50 Ўзлонлар.

13.00 Видео-"О".

18.00 — 19.50

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

19.50 "Винил чангалзорлари".

20.20 Хонаки экран. "Санта-Барбара".

Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 318-серия.

21.10 Спорт кўрсатуви.

21.20 "Формула-1". Автопойга бўйича жаҳон чемпионати. "Монако Гран-приси".

Монте-Карлодан кўрсатилади.

22.20 Криминал хабарлар экрани.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

22.30 "Қалдирғочлар баҳорда учиб келадилар". Бадий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 "Тонг".

17.50 "Ихтилоф". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 4-серия.

18.45 "Илк манбадан".

18.55 "Мавзу".

19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгилар.

20.30 "Бомонд".

20.45 Галабанинг 50 йиллигига.

Тирикларни чорлайман... "Отряд". Бадий фильм (Литва киностудияси). Кўрсатувни Г. Шергова олиб боради.

22.40 "Матбуот-экспресс".

23.00 Янгилар.

23.35 — 00.20 1994 йил қўшиқлари.

ЧОРШАНБА

18 МАЙ

ХАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР КУНИ

ЎзТВ I

6.30 — 8.45 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.45 "Сиевуш ҳақида қисса". Бадий фильм. 1-серия.

10.10 "Фасли ез". Телефильм.

10.20 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика.

11.00 Эркин кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати.

11.40 Лотин алифбоси.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.

18.10 "Солиқ инспекцияси фаолиятдан".

18.40 "Санъат олами".

19.25 Ўзлонлар.

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.50 Ўзлонлар.

19.55 "Умрбоқий ва ҳамша навақирон".

"Ўзбектеlevision". Премьера.

20.10 Оқшом эртаклари.

20.25 "Ислохотнинг ҳуқуқий асослари".

20.55 Ўзлонлар.

21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

21.25 Ўзлонлар.

21.30 "Оила".

22.15 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "Анор" телевизион танлови.

23.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.50 "Спринт".

20.10 "Шаҳар юмушлари".

21.10 "Ғалати аёл". Бадий фильм. 1-2-сериялар.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

18.05 Хонаки экран. "Санта-Барбара".

Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 319-серия.

19.00 "Дабдурустан еки Газета воқеалари".

19.55 — 21.55

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

21.55 "Тафсилотлар".

22.05 Катталар учун мултифильм.

22.25 "Юлдузлар билан суҳбатда".

22.30 Спорт кўрсатуви.

22.35 "Санкт-Петербург мусиқаси". Н. А. Римский-Корсаков номидаги халқаро танлов.

23.40 — 00.10 "Сариқ сувости кемаси" клуби.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 "Тонг".

18.00 "Ихтилоф". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 5-серия.

18.55 "Янги кишилар". "АвтоВАЗ" ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош директори В. Кадаников.

19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгилар.

20.30 Россия музейларининг Париж баҳори.

20.50 "Театр мавсуми". Телевизион бадий фильм.

22.00 Янгилар.

22.35 — 23.05 "Академия".

ПАЙШАНБА

19 МАЙ

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 "Сиевуш ҳақида қисса". Бадий фильм. 2-серия.

10.10 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

10.20 "Кичкинтой" студияси.

"Қўнироқча".

10.55 "Алифбо сабоқлари".

11.25 "Ешлик" студияси. "Истиқбол эгалари".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.

18.10 "Футбол майдонларида".

18.35 "Сихат-саломатлик".

19.05 "Ишбилармон".

19.25 Ўзлонлар.

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.50 Ўзлонлар.

19.55 "Кашф этилаётган имкониятлар".

20.10 Оқшом эртаклари.

20.25 "Бир жуфт қўшиқ". Мусиқий кўрсатув.

20.55 Ўзлонлар.

21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

21.25 Ўзлонлар.

21.30 Бевосита мулоқот.

22.30 Ўзбек киносининг 70 йиллигига.

"Ўтмишга назар". Кинокўрсатув.

23.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.50 "Табассум ила". Фильм-концерт.

20.30 "Тошкент оқшомлари".

"ОМАД" таништилади:

21.30 Ўзлонлар. "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00 — 19.50

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

19.50 Хонаки экран. "Санта-Барбара".

Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 320-серия.

20.40 "Ҳеч ким унутилмади".

20.45 "Вилоятдан мактублар".

21.15 "Хроно". Авто ва мотоспорт оламида.

21.45 "Ностальжи" — барча авлодлар мусиқаси.

22.15 Криминал хабарлар экрани.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

22.30 "Парама". Бадий фильм. 1-серия.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 "Тонг".

17.55 "Ихтилоф". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 6-серия.

18.55 "Эхтиёткор кишининг иқрири". Евгений Габрилович ўзи ва давр ҳақида. 3-қисм.

19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгилар.

20.30 "Останкино" телеканалда биринчи марта. "Бечора бой". Бадий фильм (Италия).

22.10 "Матбуот-экспресс".

22.20 Юмор антологияси.

23.00 — 23.35 Янгилар.

ЖУМА

20 МАЙ

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 "Суюнчи". Бадий фильм.

9.45 "Дарахт ва унинг новдалари". Телефильм.

10.15 "Халқ миллий ўйинлари". Спорт кўрсатуви.

10.45 "Ҳофизлар хониш этганда". Мусиқий кўрсатув.

11.35 Болалар учун фильм. "Саёҳатлар эртаги".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.

18.10 "Шукрона".

18.45 Мушоира. "Мен сизни қўсайман".

Ёнғиндан сақлаш бошқармаларида

Назорат ошмоқда

ТОШКЕНТ вилоятида халқ ва давлат мулкини ёнғиндан муҳофаза қилиш борасида катта ишлар амалга ошириляпти. Кейинги вақтда қўрилган қатор чора-тадбирлар ана шундан далолат бериб турибди.

— Ёнғиндан муҳофаза қилинадиган объектлар тармоғининг узлуксиз кенгайиб бораётганлиги, — дейди вилоят ёнғиндан сақлаш бошқармасининг катта муҳандиси Қўчқор Асанов, — иш ва назорат қўламига ҳам ўз таъсирини кўрсатаёпти. Ана шуни ҳисобга олиб, яқинда янги қўшимча ўринлар тайин этилди. Айрим муҳим объектлар ҳарбийлашган ёнғиндан муҳофаза қилиш назоратига ўтказилди. Ангрен шаҳрида, Бекобод металл заводида, ТошГРЭСда 2 тадан янги ўт ўчириш бўлимлари фаолият кўрсата бошлади.

Бошқарма, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, жойлардаги корхоналар, муассасалар ва хўжаликларнинг раҳбарлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораёпти. Бу яхши самаралар берапти. Масалан, хўжалик раҳбарларининг бевосита амалий ва моддий ёрдами билан Черняевка йўлидаги Ғишткўприқда, Қуйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» давлат хўжалигида янги ўт ўчириш бўлимлари очилди. Улар хўжалик жамоалари ҳисобига махсус жой ва зарур техника воситалари билан таъминланди.

Ҳозир Бўстонлик тумани ҳокимлиги билан Чорвоқ сув омбори юқорисида жойлашган қишлоқларни ёнғин хавфидан сақлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилляпти. Тез орада бориш қийин бўлган узоқ тоғ дараларидаги қишлоқларда ҳам янги ўт ўчириш бўлимлари ташкил топади. Улар ерли аҳолини фақат ёнғин хавфидан сақлабгина қолмай, балки табиий офатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатишда ҳам катта амалий ёрдам кўрсатадилар.

[Ўз мухбиримиз].

ҚУТЛАЙМИЗ!

Республика ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси алоҳида милиция бўлимида ҳурматга ва обрўга сазовор бўлган ходимлардан бири, милиция катта сержанти **Иброҳим Қаршиевич РАҲМОНОВ**ни қутлуг 50 ёшлик юбилейи муносабати билан чин юракдан табриқлаймиз. У кишига сihat-саломатлик, бахт-саодат, келгуси ҳаётларида омадлар тилаймиз.

Алоҳида милиция бўлимида раҳбарияти ва шахсий таркиби.



ҳодими, милиция старшинаси **Исроил Ибрагимович ИБРАГИМОВ**ни табаррук 40 ёшга тўлиши муносабати билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий бахт тилаймиз.

Эҳтиром билан онангиз, турмуш ўртоғингиз **Альфира**, қизларингиз **Эльвира**, **Светлана**, **Ирода**, укаларингиз **Исмоил Бозорбоев**, **Рустам** ва **Равшан Ибрагимовлар** оиласи.



Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлимининг

СПОРТ · СПОРТ · СПОРТ · СПОРТ · СПОРТ · СПОРТ

Ғалаба кунига бағишлаб ўтказилаётган югуриш мусобақаси — пойгага тайергарлик ишлари кўнгилдагидек бўлди. Аммо табиатнинг қутилмаган «нағма»си мусобақанинг «белига тепишига» сал қолди. Пойга бошланишидан бир кун олдин туни билан тинимсиз ёмғир ёғиб чикди. Фақат саҳарга келиб табиат «кўз ёши»ни тийди-ю, пойга ташкилотчилари ва қатнашчилари энгил нафас олдилар.

Бундай мусобақа ўтган йили ҳам ўтказилган ва динамочиларнинг барчасида катта қизиқиш уйғотганди. Ташкилотчилик борасида ҳам муаммолар бўлмаган. Фақат бу йилги мусобақа масофаси қарийб ярмига узайтирилди ва у 5,6 километрга етди. Бу билан бир томондан пойга иш-

«На посту» газеталарига ярим йилликка бепул обуна қилинадиган бўлди. Буларнинг барчаси пойгачиларга таъсир қилмасдан қолмади, албатта.

Старт берилди. Биз ҳакамлар машинасида бироз олдинроқда кетяпмиз.

— Пойгада «Динамо»нинг ўндан ортиқ жамоалари қатнашмоқда, — дейди мусобақа ҳаками, ички хизмат капитани М. Будагов, — улар орасида республика ИИБ, унинг ўқув юрлари, Миллий хавфсизлик қўмитаси ва яна республика ички қўшинларининг қарийб уч юздан иборат вакиллари бор. Қўплари ўтган йилги мусобақанинг ҳам хавосини олишган. Тажриба эса, ўзингизга маълум, бунақа пайтда анча қўл келади.

БАЙРАМ ШАРАФИГА МУСОБАҚА

тирокчиларининг қизгин мусобақалар остида курашишлари кўзда тутилган бўлса, иккинчи томондан уларнинг жисмоний тайергарлигини тўлароқ кўрсатишларига имкон яратилди. Пойганинг бошланиш ва сўнгги манзили ўзгармади.

Пойгани соат тўққизда бошлаш режалаштирилганди. Бироқ қатнашчилар анча барвақт тўплана бошладилар. Булутли осмон акси тушиб турган қўлмақларнинг аста-секин камайиб бораётгани, бегубор, соф ҳаво — буларнинг барчаси пойгачиларнинг табиатига ижобий таъсир қилаётганди.

Ҳаммаси тайер. Сафланишга буйруқ берилди. Пойга иш-тирокчиларини республика ИИБ вакиллари, уруш фахрийлари Ғалаба байрами билан самимий қутлаб, уларга оқ йўл ва зафар тиладилар. Мусобақа ташкилотчилари эса уларга яна бир бор масофанинг узайтирилганини эслатишиб, голибларни қутлаётган мукофотларни санаб ўтишди. Биринчилар қаторида келган уч киши «Слесинжер» фирмасининг теннис анжومي билан тақдирланади, биринчи ўнлик учун катта миқдорли пул мукофоти белгиланган, пойганинг энг кекса ва энг ёш иштирокчиси эса «Постда» —

Суҳбатдошимнинг сўзларини исботлагандек, мусобақанинг биринчи километри сўнгидан ўтган йилги пойганинг голиби, республика ИИБ Олий мактаби тингловчиси, спорт устаси У. Мамадалиев олдинга чиқиб олди. Рақибларига ҳеч имкон қолдирмасдан, илгарилар кетди. Стадионга кириб келганида эса, ортидан чопаётган мусобақадоши билан ораларидаги масофа тўрт юз метрлар чамасида эди. Иккинчи бўлиб Олий мактабнинг яна бир вакили И. Жамолдидинов етиб келди. Тошкент вилоятининг «Динамо» жамияти қошидаги «Стайер» спорт клуби вакили, 260-мактабнинг ўқитувчиси В. Злобин учинчи бўлди. Қолган пойгачилар 15 дақиқа давомида манзилга етиб келдилар.

Якуний натижалардан сўнг голиблар тақдирланди. Тақдирга кимлар сазовор бўлганликлари юқорида айтиб ўтдик. «Постда» — «На посту» газеталаримиз таъсис этган махсус совринлар юқорида тилга олинган «Стайер» клубининг вакили, 60 ёшли Фуат Юсупов ва еш динамочи, 164-мактаб ўқувчиси, тўққиз ёшли Марат Мустаевларга насиб этди.

А. СТЕПАНОВ.

Ҳар тўғрида

Курилма-шифокор

• Англиянинг «Хекс» компанияси кўп соатли ишдан кейин чарчаган мия фаолиятини тикловчи аппаратни яратди.

Авал махсус мусиқа садоси остида ва компьютер экранида пайдо бўладиган тинчлантирувчи расмлар ердамида толиққан мия «массаж қилинади». Агар бу ердам бермаса, компьютер экранида пайдо бўладиган йог машқларини такрорлашнинг зарури мумкин. Бу «даволашни курси»дан кейин одам анча энгил тортади ва мия фаолияти анча яхшиланади. Аппаратнинг сотувдаги нархи — 60 америка доллари.

«Континент»

Қўшимча етти йил умр

• Кимдаким ҳар кун ич донадан грек ёнғонидан еб турса, у бошқаларга қараганда етти йил кўпроқ умр кўра экан.

Мана шундай ҳулосага келган америкалик олим Гарри Фразернинг таъкидлашича, грек ёнғонининг бу хусусияти шу билан исботланадики, унинг таркибида юрак ва қон айланиш системасини холестерин зараридан сақлаб қолувчи туркум кислоталарнинг сувоқликлари бор.

«Неделя»

Гитлердан эсдалик

• Германиядан олиб чиқилаётган Россия ҳарбийлари учун Ростов шаҳрида уй қурилиши пайтида экскаватор 16 донга 50 килоли немис авиабомбасига тегиб кетди. Қурувчилар қовлаб қарашганида бу ерда яна снарядлар ва бошқа жанговар захиралар тўпланган экан. Бу портловчи жанговар қуруллар Улуг Ватан уруши давридан қолган экан.

Сапёрлар қуруллар мажмуасини усти ёпиқ КаМАЗга юклаб, шаҳар чеккароғидаги махсус полигонда йўқотиб юборишди.


Ўғлини ва ўзини ўлдирди

• Яқинда Тожикистон Республикаси Олий суди одатдагидан бошқачароқ ишни қўриб чиқди. Ленин тумани фуқароси Ш. Турсунов ўзининг кенжа ўғлини ўлдирганида айбланди. Аниқлаштириш, Турсуновнинг ўғли Жамшид қўшнисининг сугирини ўғирлаб, шаҳардаги ошхоналарнинг бирига сотиб юборган. Ота эса «бизнинг оиламизда ўғирлар бўлмаган ва бўлмайди ҳам», деб ўғлининг гардишига пичоқ тортиб юборган.

Суд отани 12 йиллик қучайтирилган режимдаги қамок жазосига маҳкум этди. Бироқ суд ҳукмини адо этишининг имкони бўлмади. Ота қамокхонада ўзини-ўзи ўлдирди.

«Комсомольская правда»

ҚИДИРИЛМОҚДА



Сариосиё тумани ички ишлар бўлими томонидан туман ҳудудида бир қанча оғир жиноятлар содир этиб, қочиб юрган **Холмурод Элмуродович Тўйчиев** қидирилмоқда. У 1962 йилда туғилган, ўзбек, муқаддам судланган, ҳеч қаерда ишламайди. Шаргун шаҳри, Заречная кўчаси, 6-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, сочи тик, қорамтир, қошлари қора, камонсимон, мўйлови бор, соқол қўйган бўлиши ҳам мумкин.

Алоҳида белгилари: чўрткесар, унсурлар орасида танишлари кўп, ўнг юзида холи бор.

Х. Тўйчиевни кўрган фуқаролардан бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.



Қариндошлари томонидан 1978 йилда туғилган, Сирдарё шаҳри, Чехов кўчаси, 290-уйда истиқомат қиладиган **Олег Анатольевич ПАК** қидирилмоқда. У шу йилнинг 15 март кун соат тахминан ўн тўққизларда уйдан чиқиб кетганича қайтмаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см., сочлари қора, кўзлари катта, қора, оғзи катта, лаблари қалин.

Кийими: эғнида эски, гўлдор, пахмоқ кофта, оқ уламалари бўлган кулранг жемпер, узунасига оқйўлли ҳаваронг синтетик трико, оёғида қалин бўлган.

О.А.Пакнинг кейинги тақдирдан воқиф фуқаролардан бу ҳақда 02 рақамли телефон орқали энг яқиндаги милиция бўлимига ёки унинг ота-оналарига: Сирдарё шаҳри, Чехов кўчаси, 290-уйга хабар беришларини сўраймиз.

Мухаррир
Зокир ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.

Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

- Қўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.

Буюртма Г — 962

Ҳажми — 2 босма табоқ.

Босилиш — офсет усулида.

Босишга топшириш вақти — 19.00.

Босишга топширилди — 19.00.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6.

Обуна рақами — 64615.
42.169 нусхада босилди.

ТЕЛЕФОНЛАР:

муҳаррир — 39-70-40,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул
котиб — 59-29-66,
муҳбирлар бўлими —
59-20-92, умумий
бўлим — 59-21-21.